

### ЧЎЛПОН ПОРТРЕТЛАРИДА МАҲОРАТ МАСАЛАСИ

Шоира АҲМЕДОВА

*филология фанлари доктори, профессор*

*Бухоро давлат университети*

[axxxmedova@mail.ru](mailto:axxxmedova@mail.ru)

Адабий портрет адабий танқидчиликнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай жанр ҳисобланади. Адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчи таржимаи ҳолига, асарларининг ғоявий-бадий хусусиятлари, ижодининг маърифий ва маънавий аҳамиятига дахл қила оладиган жанрдир. Адабий портрет, биографиянинг ажралмас бўлаги сифатида тавсифланаётган шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдирди, аммо жанрий моҳиятига кўра, унда ўзига хос шаклда инсон (шоир, адиб, санъаткор) ҳеч кимга ўхшамаган индивидуаллиги билан тасвирланади. Шу жиҳатдан буюк ёзувчиларнинг адабий портретини яратган А. Моруа (1, 317), улуғ одамларнинг биографиясини ёзган Р.Роллан ижоди, Стендаль, Л.Толстой, Бальзак, Диккенс, Достоевский ва инсоният тарихидаги бошқа машҳур арбобларнинг биографиясидан иборат “Дунёни қурувчилар” номли туркумни ёзган С.Цвейг ижоди ажралиб туради (4, 732).

Ўзбек адабиётшунослигидаги бу янги йўналиш ҳақида академик Б.Назаров шундай ёзади: “Ёзувчи ижодини унинг шахсияти билан чамбарчас боғланишда текшириш сўнги йиллар адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимизда кўзга ташланаётган ижобий тенденциялардан биридир. Санъаткорнинг ҳаёт йўли, табиати, ёшлиги, қизиқишлари, орзуларини ўрганиш унинг асарларидаги маҳорат сирлари ва бадий эстетик принципларини кўрсатишда бир очқич вазифасини ўтайди”(2, 283).

Шу билан бирга адабий портретни санъаткор ҳаёти ва ижодининг асосий фазилатларини акс эттиришдангина иборат деб талқин этиш бу жанрнинг асосий хусусиятларини бир ёқлама тушуниш бўлар эди. Бинобарин, жанр табиатини белгилашда унинг мундарижасидаги ушбу хусусиятларга эътибор бериш муҳимдир. Зеро, адабий портретда:

1) санъаткор (шоир, ёзувчи, танқидчи)нинг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш; асосий йўналишларнинг ижодкор шаклланишида тутган ўрнини белгилаш ва аниқлаш;

2) ижодкор қиёфаси ва индивидуал услубини шакллантирган омилларни кўрсатиш;

3) санъаткорнинг шахс сифатидаги фазилатлари, нуқсонлари ва уларнинг

ижодида тутган ўрнини асослаш;

4) санъаткор (шоир, ёзувчи, танқидчи) шахси ва ижодининг муҳим босқичлари, босқичларга бўлиниш сабабини очиб, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни умумлаштириш.

Буларнинг барчаси адабий жараёндан узилмаган ҳолда, адабий жараённинг шу санъаткорга таъсири, ўз навбатида, ижодкорнинг жараёнга қўшган ҳиссасини белгилашни ҳам тақозо этади.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда ижодиёти текширилаётган ёзувчи ёки шоирнигина эмас, балки унинг ижодий фаолиятини таҳлил қилаётган танқидчининг ҳам ўзига хос қиёфаси бўйи кўрсатиб туради. Шу жиҳатдан Чўлпон яратган портретларга назар солсак, унда танқидчининг адабий жараён, айниқса, театр соҳасини сергаклик билан кузатганини, портретлари орқали адабиётнинг, драматургиянинг ривожини учун муҳим масалаларни ўртага ташлай олганини кўрамиз.

Танқидчиликда илк адабий портрет намунаси сифатида XX асрнинг 20-йилларда яратилган Лутфулло Олимийнинг “Унутилмас шоир” асарини кўрсатиш мумкин. Бу адабий портрет ижоди октябрь тўнтаришидан олдин бошланган маърифатпарвар шоир Сўфизода адабий фаолиятига бағишланган. У “Истеъдод, қобилият, талант деган нарса табиатнинг дунёдаги мисоли йўқ жавҳаридирки, бу “аксири аъзам” жуда оз кишиларгагина муяссар бўладир” жумласи билан бошланади. Унда шоирнинг узоқ йиллик ҳаётини ва ижодий йўли кузатилади (3, 329).

Чўлпон ҳам XX асрнинг 20-йилларида эндигина шаклланаётган реалистик адабий танқиднинг ўзига хос ижод тури алоҳида фан сифатида оёққа туришида муҳим ўрин тутган мунаққид сифатида фаолият юритган. Чўлпон танқидчиликнинг тақриз, мақола ва портрет сингари жанрларининг юзага келиши, қарор топишида алоҳида хизмат кўрсатиб, даврнинг профессионал танқидчиларидан қолишмайдиган даражадаги мақола, тақризлар ёзди.

Чўлпон адабий-танқидий қарашларини турли шаклларда намоён этишга, жанрий ранг-барангликка интилди. Бу жиҳатдан, танқидчи яратган портретлар ўзи яшаган давр, адабий ҳодисалар, театрнинг тараққиёти, санъаткорлар ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади, аммо адабиётшуносликда уларнинг кам тадқиқ этилгани кўринади. 1994 йилда нашр этилган “Адабиёт надур” деб номланган адабий-танқидий мақолалар, шоир ҳақидаги хотиралардан ташкил топган тўпламга унинг 7 та портрети киритилган. Улардан 6 таси театр, санъаткорлар ҳаёти билан боғлиқ. Уларни жанр талабига мос келадиган тўлиқ адабий портретлар дейиш қийин, шунинг учун танқидчининг ўзи ҳам уларни портретлар деб атаган.

Аслида XX аср бошларида театрнинг ривожланиши, драматургиянинг пайдо бўлиши кўп ижодкорлар катори адабий жараённинг сергак кузатувчиси бўлган Чўлпонни ҳам бефарқ қолдирмаган. Драматург сифатида бир неча сахна асарлари муаллифи Чўлпон драматик асарларга тақризлар ёзган, юқорида тилга олганимиз тўпладан адибнинг 12 та театр тақризлари ўрин олган, санъат масалаларига оид 12 та мақоласи киритилган. Шу нуқтаи назардан қарасак, Чўлпон портретларини нима сабабдан кўпроқ театр арбоблари, санъаткорларга бағишлагани ойдинлашади.

Портретнинг биринчиси “Мирзо Улуғбек” деб номланган. Сарлавҳасиданоқ кимга бағишлангани яққол кўринади. Портретнавис, энг аввало, Улуғбекнинг кимлиги, илм-фан учун қилган хизматлари ҳақида қисқа фикр юритади. Асосан, Улуғбек тузган “Юлдузлар жадвали” ҳақида фахр билан фикр юритилса-да, ўша даврга хос камчиликлар ростгўйлик билан эътироф этилади. Туркистон халқининг шундай буюк инсонни эсга олмаслиги, ундан бирор бир хотира нишона йўқлиги муаллифни танқидий фикрлашга ундайди. Тошкент расадхонаси “телескўп” (дурбин) яшашга киришганлигини айтар экан, буюк инсон номини ўз юртида улуғлаш лозимлигини таъкидлайди.

Портретда Мирзо Улуғбек томонидан тузилган жадвал ва расадхона ҳақида сўз юритилади. Буюк олимнинг хотирасини абадийлаштириш учун қилинаётган ишлар сарҳисоб этилиб, бу хайрли ишга умид билан қараш руҳи устувор. Шу жиҳатдан “Мирзо Улуғбек” асарини портрет жанрига мансуб деб аташ қийин. Чунки портретда объект қилиб олинган шахс ҳақида, унинг ҳаёти, ижоди тўғрисида тўлиқ маълумот берилиши, унинг образи яратилиши лозим.

“Турсуной сахнада” портрети ўша даврнинг машҳур актрисаси Турсунойга бағишланган. Портрет танқидий мулоҳазалар бошланади: “Икки бойга бир қарол” пьесасида Кларича ролини ўйнаган Турсунойнинг портретга эпиграф қилиб олинган – пьесада олинган парчани таъсирли қилиб айта олмаганлигини танқид қилар экан, аммо бу билан уни “ҳунарсиз”га чиқармоқчи бўлганларни огоҳлантиради.

Чўлпон Турсуной ўйнаган сахнани ўзи кўрганлиги, актрисани яхши билганлиги учун ишонч билан гапирди. Турсунойнинг “доим кулиб ва жилмайиб” юришининг тагида турмушнинг аччиқ изтироблари ётганини шоирона тарзда ифодалайди, Турсунойнинг сахнада маҳорат билан ўйнаганини ҳам қониқиш, ҳам афсус билан эслайди: “Турсуной Кларичасида бир умр эсан чикмайдурғон жойлар бор эдиким, билмайман, ёш сахнамиз яна ўшандай бир тасвирни қачон кўра олади?” (5, 124).

Кларича ролини маҳорат билан ўйнаганини таҳлил қилар экан, ўзи кўрган сахналардан мисоллар келтиради.

Фитратнинг “Арслон” драмасида Турсуной кичик бир ролни (Зайнаб) ўйнагани, унда “сўз оҳанги (интонация) билан ҳаракат(движение)дан бирлашган ажойиб, гўзал, янги ва асил ўйинлар бериши, у ўйинлар режиссёр кўрсатган сахна чизиқлари ичида Турсунойнинг ўз ижодлари, ўзи яратқон бадиълар эди” дея актриса ижодига юқори баҳо беради.

Портретни ўқир эканмиз, кўз олдимизда жуда ёш ва фожиали тарзда ҳаётдан кетган актриса Турсуной ҳақида, унинг характери, ижоди, ўйнаган роллари ҳақида маълум бир тасаввур уйғонади. Чўлпоннинг маҳорати шундаки, Турсунойни тавсифлашда, ролларига баҳо беришда ёш истеъдоднинг ҳаётдан эрта кетганлигини бир неча ўринларда ачиниш ва афсус билан таъкидлайди яъни танқидчи ўзининг симпатиясини ёрқин кўрсата олган: “Бу содда, лекин Турсунойнинг оғзида ширин ва гўзал жонланғон сўзларнинг оҳанглари унинг ўзи билан бирга ўлдилар...” (127 б.).

3 қисмдан иборат портретнинг якунида ҳам Чўлпон Турсунойнинг ўлимини турли ўхшатишлар (“енгил пар каби бир учиб ўтти”)дан фойдаланиб, китобхонга ҳам таъсир этадиган даражада куюнчаклик билан ифодалар экан, “яратқон рўллари сахнамизни бир йилгина бўлса ҳам яхши ёритти, нурлантирди” деб хулоса қилади.

Портретнавис Турсуной ўйнаган икки пьеса ҳақида фикр юритиб, “Ҳалима”, “Турандод” асарлари ҳақида мулоҳаза юритишни кейинга қолдиради, унинг сабабини Турсуной ҳақида бир неча мақолалар ёзиш нияти борлигида деб кўрсатади.

Портретда танқидчи учун муҳим бўлган хусусият - унинг ҳаяжони, қалби, симпатияси ёрқин кўришиб турадики, бу Чўлпоннинг театр танқидчилиги соҳасида ҳам маҳоратга эга бўлганлигини намоён этади.

Чўлпон портретларининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, қайси санъаткор ҳақида фикр юритмасин, ҳамиша куюнчаклик- театрнинг ривожини билан боғлиқ мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Масалан, хитойлик санъаткор Мей Лан Фон портретини яратишда унинг маҳоратини зукколик билан бирма-бир кўрсатиб беради, шу билан бирга “актёр техникаси, репертуар бойлиги ва чолғининг мукамал жўр бўлиб боришлари – бизга насиб бўлмаган юксакликлардир” дея драмамизнинг “ўюн техникаси” бўйича анча олисдалигидан афсусланади. “Шарқ оламида ўзича бир ўрун тутган япон ва хитой театрларидан” ўрганишга чақиради.

Хизмат кўрсатган артист Лутфулла Нарзуллаевга бағишланган “Сахна сирларига ошно санъаткор” портретида унинг актёрлик маҳоратини таҳлил қилар экан, мулоҳазаларига бадиийлик буёғини сингдириб, шундай ёзади: “Ёлғиз техника билан ўйнаш учун жуда зўр санъаткор бўлиш керак. Актёр ўз ролига жуда қизиқиб ўйнаса бир оз кечирмага(переживание) ўтмай иложи йўқ.

Фақат хунар шундаки, ақл пойлоқчиси ҳамма вақт пойлаб турсун ва актўрга унинг сахнада эканини, бутун бир нарсалар бир ўюндан иборат эканини, сахна чегарларидан чиқиш ярамаганини доим эслатиб турсин”(142-б.).

Ёки: “Сахнада талантдан ташқари, маданият ҳам керак. Бунинг йўли маълум: ўрганиш! Актўр энг аввал турмушнинг ўзидан (типлар, сўзлар, ва ҳоказо), китоб мутолааларидан, лексия ва дарслардан; бошқа театр ва актўрлардан, ўз устозларидан ўрганади. Шуларнинг биргинаси камлик қилғонда ҳам актўрнинг турган жойида депсангани билиниб қолади”(144-б.). Танқидчининг бу ўғитлари бугун ҳам эскирмаганлиги, ёш актёрлар учун маҳорат мактаби бўла олиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Чўлпон портретларида – ҳаммасида бўлмаса ҳам, санъаткорнинг ташқи қиёфасини чизишга эътибор қаратадики, бу ҳам портрет яратишнинг бир усули ҳисобланади. Масалан, Л.Нарзуллаевга бағишланган портрет шундай сўзлар билан бошланади: “Ўзи ўрта бўйлик, ўрта жуссалик, кулган вақтида кулгисини бутун юзига ёйиб юбориб – кенг-кенг кулади; бировга қараб кулганида кўпрак кўзлари, айниқса, кўзларининг икки чеккаси ҳаракат қилади. Юзида эски турмуш бепарволиғининг излари қолғон: билинар-билинамас чечак доғи...” (139-б.).

“Эпизодик рўллар устаси” портрети ҳам артист Ғулом Исомовнинг ташқи қиёфасини, ҳаракатларини чизиш билан бошланади: “Ёнғоқ сингари чаноғидан бўртиб чиқиб турғон кўзини менга тикиб ёнимда ўлтиради. Жуда кам кулади бу йигит...Сахнада кўп йиллик хизмати бор эмасми? Омонсиз “грим” ўз ишини қилғон: юзида юқоридан қуйиға томон зўр-зўр узун-калта ажинлар...Юзининг ўзи гримга қобил: кенг. Текис, учлик ва кенг бурни Қафқазия одамлариникига ўхшайди. Ўзига жуда келишиб тушган...”(127-б.).

Бу мисоллар Чўлпоннинг ўзи ўрганаётган санъаткорни ҳар томонлама, тўлиқ тавсифлашга киришганини кўрсатади, шу билан бирга портретларда чиройли ўхшатишлар (Мей Лан Фон ҳақида гапирар экан: “Унинг сахнадаги жойини ўз аҳли *тоғнинг чўққисига* ўхшатади” дейди. Ёки “Лутфулла эса бунинг тамом акси: у ҳар бир ҳаракатини *нўтага ўйдурган балет ўйинчиси* сингари салмоқлик ва оғирлик билан ҳаракат этади”)дан фойдаланади. Портретларнинг жонли ва ҳаётий чиқиши, ўзига хослигини таъминлаган омиллардан бири танқидчи ўзининг самимий муносабатини хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий аниқ билдириб боради: (“Академик драмамизнинг ўюн техникасини ўйладим, қанча аччиғ бўлса-да, айтиш керакки, биз ҳали бу хусусда кўп олисдамиз” (“Мей Лан Фон”, 131-б.). Артист Ғ.Исомов ҳақидаги портрет шундай сўзлар билан тугайди: “Эпизодик деб аталган рўлларда сахнага бир нафас чиқиб кўриниб, яна қайтиши билан бутун пиесага жон бериб юборадурғон усталарни биз тақдир этамиз” (129-б.). Бу усул портретнинг ўқимишли бўлиши ҳамда ўқувчи диққатини торта олиш

хусусиятини таъминлаган. Портретлар XX асрнинг 20-йилларида театр сахналарини безаган, халқнинг олқишини олган санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди, даври, муҳитини ўрганишда аҳамиятга эга.

Чўлпон портретларини ўқир эканмиз, уларда ёзилган даври мафкураси билан боғлиқ мулоҳазалар учраса-да, биринчидан улардаги театр, сахна ривожини учун куюнчаклик билан билдирилган мулоҳазалар бугун ҳам эскирмаганлигини кўрамиз, иккинчидан, Чўлпоннинг театр танқидчиси сифатидаги маҳорати ва бу соҳани жуда чуқур билишига ҳавас қиламиз. Мустақиллик йилларида драматургия соҳаси юксакликка интилаётган бўлса-да, Чўлпон сингари ҳақиқатгўй ва жонкуяр театр танқидчилари етишмаслигидан афсусланиб қоламиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Моруа А. Литературные портреты. Собр.соч. в шести томах. – М.: Пресса, 1992. Т.6. – 317 с.
2. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. –283 б.
3. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан,1987. Т. 1. –347 б; Т. 2. – 329 б.
4. Цвейг С. Собраний сочинений. В 10-томах. – М.: Терра, 1993.Т.10. –732 с.
5. Чўлпон. Адабиёт надур. –Тошкент, 1994.